

XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Диларом Бекниязовна ЕРНИЯЗОВА

докторант

Нукус давлат педагогика институти

Нукус, Ўзбекистон

erniyazovadilaram@gmail.com

Аннотация

Мақолада XX асрнинг 60-йилларида Қорақалпоғистон касаба уюшмалари фаолиятининг ривожланиш жараёнлари таҳлил қилинган. Асосий эътибор кадрлар тайёрлаш, малака ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилган. Архив материаллари асосида касаба уюшмаларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни очиқ берилган. Шунингдек, марказлашган сиёсат шароитида уларнинг фаолиятига баҳо берилган.

Таянч сўзлар: касаба уюшмалари, Қорақалпоғистон, XX аср, меҳнаткашлар, ижтимоий ҳимоя.

РАЗВИТИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОФСОЮЗОВ КАРАКАЛПАКСТАНА В 1960-Х ГОДАХ XX ВЕКА

Диларом Бекниязовна ЕРНИЯЗОВА

докторант

Нукусский государственный педагогический институт

Нукус, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется развитие деятельности профсоюзов Каракалпакстана в 60-е годы XX века. Особое внимание уделяется вопросам подготовки кадров, повышения квалификации, организации производства и защите прав трудящихся. На основе архивных материалов раскрывается роль профсоюзов в социально-экономической жизни региона. Также даётся оценка их деятельности в условиях централизованной политической системы.

Ключевые слова: профсоюзы, Каракалпакстан, XX век, трудящиеся, социальная защита.

Мамлакатимиздаги энг оммавий фуқаролик институти ҳисобланган Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Шу муносабат билан Янги Ўзбекистон шароитида касаба уюшмалари тарихига назар ташлаш орқали унинг ўтмишга баҳо берамиз, ютуқ ва камчиликларини ўрганиб, хулоса қиламиз, сабоқ чиқарамиз. Бугун мамлакатимизда инсон кадр-қиммати ҳар нарсадан улуғ. Инсон ҳаёти, унинг

саломатлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қиммати Асосий қонун – Конституция асосида ишончли ҳимоя қилинади.

Касаба уюшмалари узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимининг ажралмас қисми ҳисобланган Қорақалпоғистон касаба уюшмалари фаолияти ўзига хос тарихий ривожланиш босқичига кирди. Бу даврда касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш, айниқса кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, Қорақалпоғистон Касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан 1964 йил январь–апрель ойларида касаба уюшмалари кадрлари ва фаолларини ўқитиш бўйича махсус тадбирлар амалга оширилди. Мазкур жараёнда кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Шу мақсадда 1964 йил учун касаба уюшмалари кадрлари ва фаолларини ўқитиш бўйича 7000 нафар иштирокчини қамраб олиш режаси тасдиқланди. Ушбу режа тармоқлар кесимида қуйидагича тақсимланди:

- қишлоқ хўжалигида — 1800 киши;
- маориф соҳасида — 1100 киши;
- савдо соҳасида — 670 киши;
- тиббиёт соҳасида — 410 киши;
- давлат муассасаларида — 570 киши;
- қурилиш соҳасида — 310 киши;
- алоқа ва автотранспорт соҳасида — 350 киши;
- озик-овқат саноатида — 310 киши;
- пахта саноатида — 735 киши;
- бошқа тармоқларда — 745 киши.

1964 йил 1 май ҳолатига кўра Қорақалпоғистон АССР бўйича жами 1662 нафар шахс ўқув жараёнларига жалб этилди. Шундан 50 нафар иштирокчи Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари кенгаши ҳузуридаги курсларда ишдан ажралмаган ҳолда малака оширди [3].

Республика туманларида касаба уюшмалари аъзоларининг малакасини ошириш мақсадида 1964 йил февраль–март ойларида Муйноқ, Қўнғирот, Хўжайли, Тўрткўл ва Беруний шаҳарларида бир кунлик ҳудудий семинарлар ташкил этилди. Мазкур семинарлар тасдиқланган дастур асосида ўтказилиб, уларда партия, совет, хўжалик ва касаба уюшмалари раҳбар ходимлари маърузалар билан иштирок этди. Умуман олганда, ушбу семинарларда 1612 нафар киши қатнашди.

Шунингдек, 1964 йил май ойида Нукус шаҳрида ўтказилган семинарларда 300 нафар иштирокчини қамраб олиш режаси тўлиқ бажарилди. Июнь ойида эса Чимбой, Қўнғирот ва Манғит шаҳарларида кўшимча семинарлар ташкил этилди. Республика хўжаликларида касаба уюшмалари фаолларини ўқитиш семинарлари июнь–июль ойларида давлат жамоа хўжаликларининг марказий бўлинмаларида ишчи кўмиталари томонидан амалга оширилди.

Ўтказилган семинар машғулотлари мазмун жиҳатидан такомиллаштирилиб, уларда маърузалар фабрика ва завод кўмиталари (ФЗМК) фаолиятидаги долзарб муаммолар мисолида таҳлил қилинди. Шу асосда мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Семинарлар жараёнида иштирокчиларнинг фаоллиги, савол-жавоблар сонининг ортиши ва тажриба алмашишнинг кучайиши кузатилди.

Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари КПСС Марказий Кўмитасининг декабрь ва февраль Пленумлари қарорларига жавобан юқори ишлаб чиқариш мажбуриятларини қабул қилди. Жумладан, 225 минг тонна пахта, 10 миллион пудга яқин дон (шу жумладан 4 миллион пуд шоли) етиштириш, шунингдек саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларида етти йиллик режанинг олтинчи йилини 25 декабрга қадар бажариш вазифаси белгиланди [4].

Раҳбариятнинг совет ва қишлоқ хўжалиги органлари раҳбар ходимлари йиғилишидаги маърузаси кенг миқёсда муҳокама қилинди. Ушбу маъруза

корхоналар жамоаларида, совхозларнинг бригада ва бўлимларида, шунингдек “Ўзқишлоқхўжаликтехника” туман бирлашмаларида ўрганилиб, амалиётга татбиқ этиш масалалари муҳокама этилди. Маърузалар ва тушунтириш ишлари билан совхозлар ва туман бирлашмалари директорлари, партия кўмиталари котиблари, касаба уюшмалари ишчи кўмиталари раислари ҳамда республика партия-хўжалик ва касаба уюшма фаоллари иштирок этди. Натижада КПСС Марказий Кўмитасининг февраль Пленуми материалларини муҳокама қилиш жараёнига Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалигининг 43 438 нафар ходими жалб этилди [4].

Республикадаги барча касаба уюшмалари ташкилотлари ўз йиғилишларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштиришга қаратилган Марказий Кўмита Пленумлари қарорларини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиб, тасдиқладилар. Бу жараёнда илғор хўжаликлар тажрибасига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, республикадаги илғор хўжаликлардан ҳисобланган “Халқобод”, “Амударё”, “Шуманай” совхозлари клубларида КПСС Марказий Кўмитасининг декабрь ва февраль Пленумлари қарорларини аҳолига тушунтириш мақсадида кенг кўламли тарғибот ишлари олиб борилди. Бу доирада кимё саноати ютуқлари, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва аҳоли фаровонлигининг ошишини акс эттирувчи стендлар, витриналар ва фотоқўрғазмалар ташкил этилди. Шунингдек, ишчи кўмиталари томонидан Пленум қарорлари ва раҳбарият нутқлари кенг тарғиб қилиниб, илмий-оммабоп журналлар, кинофильмлар намойиш этилди ҳамда қишлоқ хўжалигига бағишланган кинофестиваль ўтказилди.

1964 йил 28 январь куни Қорақалпоғистон АССР касаба уюшмалари кенгаши (Облсовпроф) томонидан республика касаба уюшмалари фаолларининг йиғилиши ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Компартияси обкомининг биринчи котиби, КПСС Марказий Кўмитасининг декабрь Пленуми иштирокчиси Қ.К.Камалов маъруза қилди. Кейинчалик, жорий йилнинг 20 март куни вилоят касаба уюшмалари пленуми, 1 апрель куни эса

кишлоқ хўжалиги ҳамда тайёрлов соҳаси ишчи ва хизматчилари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг пленуми ўтказилди. Ушбу тадбирларда КПСС Марказий Қўмитаси февраль Пленуми қарорларини амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон АССРларининг 40 йиллиги муносабати билан белгиланган вазифалар муҳокама қилиниб, тегишли чоратадбирлар режалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди [2].

1963 йил декабридан бошлаб, республика совхозларининг бригада ва бўлимларида агрономлар, муҳандис-механиклар, хўжалик раҳбарлари ҳамда таълим муассасалари ўқитувчилари раҳбарлигида агрокимё билимларини ўрганишга қаратилган тўғараклар ташкил этилди. Бу ташаббус партия қўмиталари ва ишчи қўмиталари қарорлари асосида амалга оширилди. Умуман, республика бўйича 250 та тўғарак ташкил этилиб, уларда 5150 нафар киши иштирок этди.

Шу билан бирга, республика маркази – Нукус шаҳридаги педагогика институти қошида, шунингдек ишлаб чиқариш бошқармалари ҳузурида агротехника ва иқтисодий билимларни ўқитиш мактаблари ташкил этилди. Ушбу ўқув дастурлари 10 та машғулотдан иборат бўлиб, 1964 йил апрель ойида 560 нафар тингловчи ушбу курсларни муваффақиятли тамомлади. Маърузалар партия ва хўжалик органлари раҳбарлари, олимлар ҳамда кишлоқ хўжалиги мутахассислари томонидан ўқилди.

Қишлоқ хўжалигида юқори ҳосилдорликка эришиш мақсадида республика меҳнаткашларининг 95 фоизи социалистик мусобақаларга жалб этилди. Коммунистик меҳнат ҳаракати доирасида 269 та бригада, 10 та бўлим ва ферма иштирок этди, уларда жами 8545 нафар киши меҳнат қилди. Шунингдек, 790 нафар ишчи коммунистик меҳнат зарбдори унвони учун кураш олиб борган бўлса, 102 нафар киши ушбу унвонга сазовор бўлди. 8 та бригада эса коммунистик меҳнат жамоаси мақомини қўлга киритди.

Айниқса, Шўманой туманидаги Киров номли совхозда коммунистик меҳнат ҳаракати юқори даражада ташкил этилган бўлиб, 2 та бўлим ва 13 та бригадада 499 нафар ишчи иштирок этди, бу жами ишчиларнинг 24 фоизини

ташқил этди. Шунингдек, Тахтақўпир туманидаги К. Маркс номли совхозда ҳам 329 нафар ишчи ушбу ҳаракатга жалб қилинди. Умуман олганда, республика бўйича қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида коммунистик меҳнат учун мусобақаларда меҳнаткашларнинг 16 фоизи иштирок этди.

Республика хўжаликлари ўртасида коммунистик меҳнатнинг илғор тажрибаларини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, “Қўнғирот” совхозидagi Х.Жалилов бригадаси, Киров номли совхоздаги илғор бўлим ҳамда қатор коммунистик меҳнат зарбдорларининг иш тажрибалари “Советская Каракалпакия” ва “Совет Қорақалпоғистони” газеталари саҳифаларида мунтазам ёритиб борилди. Шу билан бирга, жорий йилнинг иккинчи чорагида Нукус шаҳрида коммунистик меҳнат мусобақаси пешқадамларига бағишланган фахрий тахта ташқил этиш режалаштирилди.

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида доимий фаолият кўрсатувчи ишлаб чиқариш кенгашлари ташқил этилди. Жумладан, 129 дан ортиқ совхоз ва бўлимларда бундай кенгашлар фаолият юритиб, уларнинг умумий аъзолари сони 6731 нафарни ташқил этди. Шундан 4260 нафари бевосита ишчилардан иборат бўлиши мазкур тизимнинг оммавий характерга эга эканлигини кўрсатади.

Қорақалпоғистон АССР қасаба уюшмалари ташқилоти томонидан 1963 йил давомида ишлаб чиқариш кенгашлари 261 та йиғилиш ўтказди. Ушбу йиғилишларда 278 та таклиф ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Бу эса қасаба уюшмаларининг ишлаб чиқариш жараёнларини ташқил этиш ва такомиллаштиришдаги фаол иштирокини тасдиқлайди.

Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов соҳаси ишчи ва хизматчилари қасаба уюшмаси вилоят қўмитаси қошида меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқариш-оммавий ишлар ва иш ҳақи бўйича махсус бўлимлар ташқил этилди. Шунингдек, 17 нафардан иборат ижтимоий суғурта кенгаши ва 36 нафар штатсиз йўриқчи-тафтишчи ҳамда инспекторлар гуруҳи фаолият юритди.

Ушбу тузилмалар 1963–1964 йилларда қасаба уюшмалари фаолиятининг турли йўналишлари бўйича 10 та муҳим масалани муҳокамага тайёрлади [1].

Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалигининг 25 та корхонасида Ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти (ВОИР)нинг, 30 та корхонасида эса Илмий-техник жамият (НТО)нинг бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатди. Уларда жами 1500 нафарга яқин аъзо иштирок этди. XX асрнинг 60-йилларида республика қишлоқ хўжалигида 50 дан ортиқ рационализаторлар фаолият юритгани қайд этилади.

Амалиётда рационализаторлик таклифларининг самарадорлиги ҳам кузатилди. Масалан, Хўжайли туманидаги “Коммунизм” колхози механиги Нуримов томонидан ДТ-24 трактори учун планировкачи ускунаси ишлаб чиқилиб, унинг жорий этилиши натижасида йиллик иқтисодий самара 100 минг сўмни ташкил этди. Ушбу ускунанинг 500 дан ортиқ нусхаси тайёрланиб, республикадаги барча колхоз ва совхозларга тарқатилди. Шу каби рационализаторлик таклифлари Бўзатов туманидаги “Эркиндарё” ҳамда Қораўзак туманидаги Калинин номли совхозларда ҳам амалиётга татбиқ этилди. Бироқ мазкур жараёнда оммавийликнинг етарли даражада таъминланмагани меҳнат унумдорлигига маълум даражада салбий таъсир кўрсатди.

1964 йил 1 май ҳолатига келиб, республикадаги барча қишлоқ хўжалиги техникалари баҳорги дала ишларига тўлиқ тайёр ҳолга келтирилди. Ишчи қўмиталари таъмирлаш ишларида банд бўлган механизаторларнинг меҳнат ва маиший шароитларини яхшилаш, улар учун зарур шароитлар яратиш ишларида фаол иштирок этдилар. Қатор совхозларда техникаларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида оммавий кўриклар ташкил этилди. Бу тадбирлар партия-давлат назорати органлари билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Қасаба уюшмалари томонидан ишчиларга иш ҳақини тўғри ҳисоблаш, мукофотлар ва қўшимча тўловларни ўз вақтида бериш устидан назорат кучайтирилди. Жумладан, бир йил давомида ишчилар ва механизаторларга 2

миллион 800 минг сўм миқдорида қўшимча тўловлар амалга оширилди. Шунингдек, режани ошириб бажарганлик учун 500 минг сўм ва маҳсулот таннархини пасайтирганлик учун 20 минг сўм миқдорида мукофотлар берилди.

1964 йил 25 апрель ҳолатига кўра, республика бўйича 1964–1965 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаларини тузиш ишлари якунланди. Ушбу шартномаларда сабзавотчилик бригадаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Барча совхозларда мазкур бригадалар тузилиб, уларга ер майдонлари, техника ва ишчи кучи бириктирилди. Касаба уюшмалари мазкур бригадалар фаолиятига ҳомийлик қилиш вазифасини ўз зиммасига олди [4].

1964 йил 5 март куни Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тайёрлаш вазирлиги билан ҳамкорликда республика сабзавотчилари йиғини ўтказилиб, 11 минг тонна картошка, 15 минг тонна сабзавот ва 25 минг тонна полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Республика бўйича 1963 йилда тузилган жамоа шартномаларининг бажарилиши июль ва январь ойларида текширилди ҳамда бу масала доимий ишлаб чиқариш кенгашлари йиғилишларида муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, XX асрнинг иккинчи ярми республикада марказлашган бошқарув тизимининг кучайиши ва пахтачилик ҳамда шолчиликни ривожлантиришга қаратилган талабларнинг ортиши билан характерланади. Бу ҳолат иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланишига олиб келиб, фуқаролар ҳуқуқларининг чекланишига сабаб бўлди. Шундай мураккаб шароитда Қорақалпоғистон касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида муайян даражадаги амалий ишларни амалга оширди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, XX асрнинг 60-йилларида Қорақалпоғистон касаба уюшмалари фаолияти тизимли равишда ривожланган. Улар кадрлар тайёрлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутган. Бироқ

марказлашган иқтисодий сиёсат таъсирида уларнинг имкониятлари маълум даражада чекланган. Шунга қарамай, касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда муайян ижобий натижаларга эришган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қарақалпақстанның жаңа тарийхи: Қарақалпақстан ХІХ әсирдин екинши ярымынан ХХІ әсирге шекем. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2003.
2. Камалов Қ. Эл хизматида. – Нукус: Билим, 2021.
3. ҚРМДА, ф. 551, рўйхат 1, иш 8989, 1–2 варақ.
4. ҚРМДА, ф. 551, рўйхат 1, иш 8989, 96–101 варақ.